

## ИҚТИСОДИЁТДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ

### Манба ва адабиётлар руҳати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. <http://iza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeenning-oliy-25-01-2020>
2. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида" ЎРҚ-598-сон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2019 йил, 03/19/598/421-сон.)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Гадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланнишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва шибilarмонлик муҳитини сифат жисхатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги 4947-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрда "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4853-сон фармони, манба: <http://lex.uz/docs/3056978>.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4853-сон фармони, манба: <http://lex.uz/docs/3056978>.
8. Стратегическое планирование-важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регионов: материалы Форума экономистов/под общей редакцией Т. Ахмедова/Ташкент: IFMR, 2019.-592 с.
9. Абулқасимов Ҳ., Расулов Т.С. Особенности научно-технической и инновационной политики стран СНГ, Ближнего и среднего Востока, -Т.: «ТашГИВ», 2017.- 380с.
10. Белова Л. Г. Инновации в мировой экономике. учебное пособие – М.: Экономический факультет МГУ имени М. В. Ломоносова, 2018. -148 с.
11. Виленский П.Л., Лившиц В.Н., Смоляк С.А. Оценка эффективности инвестиционных проектов. Теория и практика. – М.: Дело.2002. -223 с.
13. Друзик Я.С. Свободные экономические зоны в системе мирового хозяйства: Учебное пособие. Мин.: ФУА информ, 2000
14. Бозоров Р.Ҳ. Инвестиция муҳити: омиллари, хусусиятлари, баҳолаш усуслари ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш //Иқтисодиёт ва таълим// 2018. №2 -Б.113-123.
15. Каримкулов Ж.И., Умирзоқов Ж.А. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиш ўйналишлари ва халқаро тажсрибани қўллаш //Иқтисодиёт ва таълим// 2018. №1 -Б.105-113.
16. Пути и механизмы дальнейшего развития и либерализации экономики в свете реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» Материалы IX/ Форум экономистов/ под общей редакции к.э.н. Ахмаджанова Ш.Х. Т.: IFMR.2017.-C.489.
17. Каримов М.М., Ильина Д.Н., Акрамов А.У. Состояние и перспективы развития свободных экономических зон в Республике Узбекистан // Брошюра ПРООН, г.Ташкент, 2015. – С. 61.
18. М. Каримов. Свободные экономические зоны Узбекистана - 10 лет развития <https://finance.uz/index.php/ru/mneniya-i-kejsy/4050-svobodnye-ekonomicheskie-zony-uzbekistana-10-let-razvitiya>
19. Financial and Insurance Advisory Services (FIAS), the International Finance Corporation (IFC), the Multilateral Investment Guarantee Agency (MIGA) and the World Bank (IBRD). «Special economic zones performance, lessons learned, and implications for zone development». April 2008, p.3.<http://www.fias.net>
20. Клим И.В. «Свободная экономическая зона как инструмент инновационного развития экономики». «Российский внешнеэкономический вестник», №4, 2008
21. Отчет по отрасли информационно-коммуникационных технологий в Республике Казахстан. 2018 АО Национальный инфокоммуникационный холдинг «Зерде».

## ХУДУДЛАРНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ (АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

**Мамасоатов Дилшод Равшанович –  
ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришнинг илмий асослари ва  
муаммолари" ИТМ, катта илмий ходим  
Каримов Рустамжон Расулжонович –  
Давлат бошқаруви академияси, магистрант**

**Аннотация:** Мақолада ҳудудларни экспорт ҳолатини таҳлили ва ахборот тизимларини қўллашнинг шунингдек улар томонидан маҳсулотларни сотишни ташкил қилиш ўйлари, шунингдек, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш натижасида экспортни ривожлантиришнинг асосий ўйналишлари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** экспорт, ташқи савдо, ID карта, экспорт салоҳияти, Интернет-технология, технология, инфратузилма, e-Commerce.

## ИҚТІСОДИЁТДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ

**Аннотация:** В статье анализируется состояние экспорта регионов и способы использования информационных систем, а также способы организации их продаж, а также ключевые направления развития экспорт в результате изучения зарубежного опыта.

**Ключевые слова:** экспорт, внешняя торговля, ID-карта, экспортный потенциал, интернет-технологии, технологии, инфраструктура, электронная коммерция.

**Abstract.** The article analyzes the state of export of regions and ways of using information systems, as well as ways to organize their sales, as well as key areas of export development as a result of studying foreign experience.

**Keywords:** export, foreign trade, ID-card, export potential, Internet technologies, technologies, infrastructure, electronic commerce.

Бугунги кунда республикамиизда худудларнинг экспорт салоҳиятини оширишда кенг имкониятлар яратилмоқда. Президентимиз томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни ҳалқ манфаатлари йўлида изчил давом эттириш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди[1].

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастури лойиҳасини ишлаб чиқишида бошқа масалалар билан бир қаторда қуидагилар назарда тутилган:

а) “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш йўналишида:

- ахборот технологиялари соҳасида инсон капиталини ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

- давлат хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш ва ахборот экотизимини ривожлантириш;

- давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш;

б) маҳаллий IT-технологиялар бозори салоҳиятини ошириш йўналишида:

- ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларга қўйиладиган асосий функционал талабларнинг ягона реестрини белгилаган

ҳолда давлат органлари ва ташкилотларида ушбу маҳсулотлардан фойдаланишга ўтиш;

- ўрнатилган функционал талабларга мувофиқ келадиган маҳаллий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларнинг ягона базасини шакллантириш;

- салоҳияти мавжуд олий таълим муассасаларида ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш соҳасида лабораториялар, жумладан, ҳалқаро тан олинган илғор IT-компанияларни жалб қилган ҳолда ташкил этиш;

- маҳаллий ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни янада ривожлантириш учун қулай шартшароитларни яратиш. Бу эса ўз навбатида ҳудудларги экспорт тизимини ривожлантириш учун асос бўлиб ҳизмат қиласи.

Андижон вилоятининг ташқи савдо айланмасини таҳлил қиласиган бўлсак, 2019 йилнинг январь-март ойларида 645,0 млн. АҚШ долларини, шу жумладан экспорт 108,8 млн. АҚШ долларини, импорт 536,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг сальдоси – 427,4 млн. АҚШ долларни, шу жумладан МДҲ давлатлари билан 14,6 млн. АҚШ долларини ва бошқа давлатлар билан – 442,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Вилоят резидентларининг ташқи савдо операциялари асосан (жами товар айланмасининг Осиё (82,0 фоизи), Европа (14,7 фоизи) ва Америка (3,3 фоизи) давлатлари билан амалга оширилган бўлиб, жами савдо айланмаси 167,6 фоизга ўси (1-жадвал)[2]

1-жадвал

**Вилоят ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича тақсимланиши  
(2019 йилнинг январь-март ойларида) млн. АҚШ доллари**


	Экспорт	Импорт	Ташқи савдо айланмаси	
			2018 йилнинг январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида	Жамига нисбатан фоизда
Жами	108,8	536,2	167,6	100
Осиё	92,9	436,0	174,5	82,0
Европа	15,8	79,1	119,2	14,7
Америка	0,07	20,9	9,9	3,3

**Манба:** Статистик маълумотлари асосида муаллиф тадқиқотлари.

## ИҚТІСОДИЁТДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ

МДХ давлатлари орасида Россия, Қирғизистон ва Қозогистон давлатлари ташқи савдо айланмасида асосий хамкорлар ҳисобланыб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 18,8 фоизни ташкил қилади,

бошқа давлатлар орасида Жанубий Корея, Хитой, АҚШ, Туркия, Латвия, Швейцария, Ҳиндистон, Италия ва Чехия давлатлари ҳисобланади, уларнинг улуши 81,2 фоизини ташкил қилади.



1-расм. Вилоят ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар билан ташқи савдо айланмаси (2019 йилнинг январь-мартида, фоизда)

*Манба:* Статистик маълумотлари асосида муаллиф тадқиқотлари.

Бугунги кунда вилоят худудларнинг экспорт салоҳиятини оширишда ахборот тизимларини қўллашнинг хорижий давлатлар тажрибасига эътибор берадиган бўлсак Европада яъни Чехияда АКТни экспортни ривожлантиришга жорий этишда Шарқий Европадаги энг юқори даражалардан бирида туради. Кейинги бир неча йилда Чехия улкан муваффақиятларга эришди ва минтақада етакчи давлатга айланди. Чехиянинг яқин орада Европа Иттилоқига қўшилиши муносабати билан ҳукумат Чехияда телекоммуникацияларни ва ахборот тизимини янада ривожлантиришнинг йўналишларини белгилаб берувчи ягона ҳужжатни ишлаб чиқди.

Словения Европа Иттилоқининг етакчи давлатларидан ва ҳатто ўртacha Европа даражасидан орқада, бироқ айrim кўрсаткичлар бўйича Словения қиёсланадиган натижаларга эгадир. Словениянинг икки миллионли аҳолисининг учдан бир қисми шахсий компьютерга эга, уларнинг ўттиз фоизи Интернетга кира олади. Словения ялпи ички маҳсулотнинг анчагина қисмини АКТни ривожлантиришга ажратади (ушбу кўрсаткич Европа Иттилоқига киришга номзод мамлакатлар орасида энг юқори, бироқ ўртacha Европа даражасидан паст кўрсаткич), бироқ бу етарли эмас. Ҳукумат ахборот маркази томонидан тайёрланган «2001-2004 йилларда Словения Республикасининг экспортида электрон тижорат стратегияси»

Словения давлат маъмуриятининг ахборот жамиятияга ўтиш бўйича барча ишлар ва лойиҳалар учун асос бўлиб хизмат қилади. Эришилган натижаларни ҳисобга олган ҳолда Стратегияга тузатишларни, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари мониторингини ва экспорт жараёнарида АКТ масалаларини қўллаш бўйича Европа Иттилоқи кўрсатмаларини ўз ичига олади.

Режада электрон хизматлар, АКТни жорий этиш мақсадлари ва вазифалари ҳамда лойиҳаларни жорий этиш ва улар мониторингини олиб бориш механизмлари белгиланган. Ҳозирги вақтда давлат муассасаларининг амалда юз фоизи Интернетга уланган. Словения очик кодларга эга дастурий таъминотга нисбатан расмий сиёсатни тасдиқлаган яна бир Европа давлати ҳисобланади. Ахборот жамияти вазирлиги томонидан тайёрланган ушбу ҳужжат ҳам ҳукумат муассасалари ҳам бошқа давлат ташкилотлари ва хусусий ташкилотлар томонидан очик дастурий таъминотдан фойдаланиш бўйича аниқ кўрсатмаларни тақдим этиши керак. Ҳужжатда тайёр дастурий таъминотнинг хавфсизлигни ошириш мақсадида очик дастурий таъминотдан, очик стандартлар ва протоколлардан фойдаланиш қўллаб-куватланади. «Сиёсат» давлат муассасаларини сотиб олинадиган дастурий таъминотга нисбатан бетарафлик нуқтаи назарида бўлишга чақиради. Ушбу ҳужжат қабул қилиниши

## ИҚТИСОДИЁТДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ

муносабати билан Европа ва ундан ташқаридаги очик кодли дастурий таъминотга нисбатан расмий сиёсатни тасдиқлаган мамлакатлар сафига қўшилди.

Эстонияда экспорт жараёнида ахборот тизими энг интенсив ривожланмоқда. Эстония электрон бошқарувни ва электрон тижоратни фаол ривожлантирум оқда ва Жаҳон Иқтисодий Форумининг маъruzасида билдирилган баҳоларга биноан бугунги кунда электрон тайёргарлик бўйича 82 мамлакат ичидан саккизинчи ўринда туради. 2000 йилнинг ўзидаёт давлат тузилмалари компьютер техникаси билан тўлиқ таъминланди, компьютерларнинг тўқсон фоизи тармоқларга уланди. Эстония хукумат портали ([www.riik.ee](http://www.riik.ee)) 1998 йилдан фаолият кўрсатади ва Эстония Республикасининг вазирликлари ва идоралари сайтларига киришнинг ягона шаҳобчаси ҳисобланади. Эстон тилида ахборот бериш билан бирга маълумотларнинг бир қисми шунингдек рус ва инглиз тилларида тақдим этилади. Тармоқ бўйича солиқ декларациялари бериш хизмати ишлайди. Унинг ёрдамида экспорт бўйича солиқ тўловчилар online солиқ декларацияларини яратишлари, кўздан кечиришлари ва уларга тузатиш киритишлари ҳамда қўшилган қиймат солиғини қоплашга буюртмалар беришлари, солиқ ҳисоб рақамлари балансини кўздан кечиришлари мумкин. Солиқ кўмитасининг сайтига кириш учун электрон ID (identification – шахсни аниқлаш) карталардан фойдаланиш мумкин.

Электрон ID карталар Эстонияда 2002 йил январь ойидан бошлаб чиқарилади ҳамда барча фуқаролар ва 15 ёшдан катта бўлган доимий резидентлар учун мажбурий ҳисобланади. Карталар асосий идентификацияловчи хужжат ҳисобланади ва давлат органлари ва тижорат тузилмалари, жисмоний шахсларнинг ўзаро алоқасининг барча турларида қўлланади. ID картада, жумладан, код эгасининг номи ва шахсий коди билан бирга иккита шифрланган сертификат ҳамда юридик жиҳатда ҳақиқий рақамли имзо мавжуд бўлади. Ҳар бир давлат органи тўғрисида батафсил ахборот мавжуд бўлган хукумат порталига қўшимча равища фойдаланувчиларга мўлжалланган «Ахборот портали» мавжуддир. Сайт у ёки бу муассасанинг тузилмаси ва функцияларини муфассал баён этмайди, бироқ Эстония аҳолисига қандай муассаса ва қай тарзда фойдали бўлиши мумкинлигини тушуниради. Ахборот пор-

тали Эстония аҳолисининг хуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида амалий ахборот тақдим этади, излашни соддалаштиради ва тезлаштиради. X-road Эстония лойиҳаси барча тармоқ маълумотлар базаларини бирлаштиради ва ўзида давлат маълумотларининг ўзаро алоқасини таъминлашга уринишни ифодалайди. Ушбу тизим ташкилотлар ва фуқароларга, улар бундай ахборотни олиш хуқуқига эга бўлганлари тақдирда Интернет орқали кўпчилик миллий маълумотлар базаларида маълумотларни излаш имкониятини беради.

Тизим шахснинг идентификациясини ва транзакцияларнинг ҳавфсизлигини таъминлайдиган ID карталарни жорий этишнинг миллий ташабbusи ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади. Лойиҳа учун масъул бўлган асосий мансабдор шахсларнинг тайёрланганлиги ахборотлаштириш лойиҳаларининг муваффақиятида муҳим рол ўйнайди. Эстония электрон бошқариш академияси – бу шу жумладан электрон демократияни ўз ичига оладиган электрон бошқарув тўғрисидаги билимларни ёйиш мақсадида ташкил этилган нотижорат ташкилотdir. Экспорт бўйича электрон бошқарув соҳасида ўқитиш ва тадқиқотлар ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатиш, шунинdek МДҲ мамлакатлари, Мўғилистон, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидағи ҳамкасблар учун тажриба алмашиш имкониятини беради.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, айни пайтда глобал иқтисодиётда компьютер ва телекоммуникация технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар асосида кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасининг роли ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Шу билан бирга тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тижоратдан фойдаланиш орқали сотиладиган товарлар айланмаси уларнинг ҳажмидан қатъи назар чакана савдо ҳисобланади. Шунингдек, АКТ соҳасида халқаро консалтинг компаниялари ва экспертларини жалб қилиш, ўз IT-инфратузилмасини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, АКТни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолати-

ни баҳолаш тизимини жорий этиш чоратадбирлари түғрисида"ги 355-сонли қарорига аосан 2014 йил I-чорагидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидағи "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази ва Ахборот ва жамоат хавфсизлиги маркази эксперталари томонидан ҳар чоракда давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида АҚТни жорий қилиш ва ривожлантириш ҳолати таҳдил қилиниб, рейтингли баҳолаш ишлари амалга оширилиб келинмоқда[4]. Рейтингли баҳолаш вазифалари ташкилотларда АҚТни жорий этиш мавжуд ҳолатини анализ қилиш, тўсиқларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ва фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишида амалий ёрдам бериш, кейинчалик АҚТни жорий этиш ва ривожлантиришга йўналтирилган устувор таклифларни тайёрлашдан иборат.

Замонавий АҚТнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишга таъсири ниҳоятда юқори бўлиб, энг аввало, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, рақобатдошлиқ таъминланиши, янги иш ўринлари яратилиши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш харажатлари камайишида намоён бўлади. Компанияларнинг электрон тижорат фаолиятини самарали ташкил этишда ноанъанавий бизнес сифатида "Интернет маркетлар", яъни World Wide Web (WWW) интернет савдо тармоқлари жадал ривожланиб бормоқда[5].

АҚТнинг ривожланиши интернетнинг энг муҳим тизими бўлган электрон тижоратнинг пайдо бўлишига олиб келди. Замонавий маркетинг тушунчаси Интернет маркетингининг янги йўналишини пайдо бўлиши-

га асос бўлди[6]. Интернет маркетингнинг асосий хусусиятларидан бири унинг гипермедиа табиатидир, бу ахборотни тақдим этиш ва ўзлаштиришда юқори самарадорлик билан тавсифланади, бизнес ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни яхшилашда маркетинг имкониятларини сезиларли даражада оширади.

Корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларини самарали сотиши ташкил этиш учун ривожланган давлатлар амалиётида электрон тижорат (e-Commerce) воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Электрон тижоратнинг ушбу С2С, В2В, В2С ва С2В тўртта моделлари ривожланган давлатларда кенг тарқалган. АҚТдан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни маҳаллий ва жаҳон бозорларига олиб чиқиш имкониятини ҳамда ушбу маҳсулотнинг ўз харидорини топиш, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда фойдаланиш харажатларини камайтириб, самарадорликнинг ошишига олиб келади. Маркетинг фаолиятида замонавий АҚТдан самарали фойдаланиш корхоналарнинг маркетинг технологияларини самарали шакллантиришга, ўз навбатида, анъанавий ҳамда эскирган маркетинг технологияларини борган сари амалиётдан сиқиб чиқарилишига олиб келмоқда. Интернет-технология янги ғояга эга тадбиркорларни соҳага киришига имконият яратиб, харидорларга керакли товарларни топиш, баҳолаш ва сотиб олишни осонлаштириди. Ушбу моделлар узоқ мuddатга мўжалланган истеъмол маҳсулотлари бозорларидаға инқилобий ўзгаришларга мос бўлиб, натижада ушбу ҳолат бозор ҳукми ишлаб чиқарувчидан сотувчига самарали тарзда ўтишини таъминлайди.

### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор ўйналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга ошишига оид давлат дастури Фармони. 2020 йил 2 март.
2. Андиксон вилояти статистика бошқармаси маълумотларидан фойдаланилди.
3. UNDP Digital Development Initiative Programme.
4. <https://egovernment.uz/uz/>
5. Котлер Ф. Глобал маркетинг. - М.: Прогресс, 2015 й. 209 б.
6. Қозақова М.Ш. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида маҳсулотлар брендини ривожлантириш "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" иммий электрон журнали. №2, март-апрель, 2017 й. 129 Котлер Ф. В2В Бренд менежмент. -М.: Прогресс, 2006 й 143 б.